



Мабодо ўрта асрларда Флоренция осмонига самолётлар галаси ёпирилиб келсаю вайрон килувчи авиабомбаларни ёғдира бошласа, шаҳар аҳолиси тушгуси дахшат ва вахиманинг чек-чегараси бўлмас эди. Агар бу самолётлар Флоренция тепасида тахминан биринчи жaxon уруши даврида пайдо бўлиб колса ва шаҳарни бомбардимон кила бошласа, буни фақат бир жихатдангина тушуниш мумкин эди — зеро, одамлар бу даврга келиб, самолёт, бомба деган нарсалар нима эканлигини англаб етишган эди. Лекин шунда, ҳам ушбу вайронгарчиликни вахшийликдан бўлак нарса деб изохлаш мумкин бўлмасди. Зотан, Флоренция Европа маданиятининг рамзи, усталар ва меъморлар, рассомлар ва хайкалтарошлар силсиласидан иборат ўнлаб авлод меҳнатининг натижаси ўларок вужудга келган меъморчилик кўрикхонаси ҳисобланади.

Бари бир, музей шаҳарнинг бомбардимон килинишини ҳеч қандай гоё билан, саройларда бекиниб олган душманни янчиб ташлашга қаратилган бирон-бир ҳарбий-стратегик режа ёки ўзга бир ваз билан оқлаб бўлмайди. Ўқувчи: «Бу сафсатаининг нима керага бор?», дейиши мумкин. Гапнинг «берди»сини эшитинг. XX аср бошларида Бухоро амирлиги емирилди, шу тарихга бир назар ташлайлик. Ўша пайтдаги Бухоро амирлигини Флоренциядаги демократия билан қиёслаб бўлмайди, албатта. Бухоро юзлаб куллар бандиликда сакланган шаҳар, шафқатсиз мутлак ҳокимликнинг пойтахти эди. Айна пайтда Бухоро — Шаркнинг қадимий шаҳарларидан бири, мусулмон ренессанси шаклланган ва гуллаб-яшнаган гўша, Шаркнинг ўзига хос тарихий-меъморчилик музейи эди.

1920 йилда Туркистонда Совет ҳокимиятининг Бухоро амирлигига қарши бешафқат, мурасасиз қураши авж олди. Бухорода ёш бухороликлар партиясининг аъзолари кўзголонга тайёрлана бошлашди. Нихоят, шаҳарга ҳужум бошланди. Ёрдамга авиация ташланди. «Кумдаги жанглар» (Ўрта Осиёда граждaнлар уруши тарихига доир материаллар, 1935 й. М. Горький таҳрири остида) китобида таъқидланишича, Бухорони бомбардимон қилиш учун «Туркистон фронтига илгари мисли қўрилмаган бутун бошли ҳаво кемалари армадаси ташланди» (298-бет). 1920 йил август ойининг сўнги кунларидан бирида Бухоро яқинидаги Когон станциясида ўнга яқин самолёт шайлаб қўйилди. Улар орасида самолётларнинг «форман», «фарсал», «совпвич», «ньюпор», «вуазен» ва «альбатрос» каби турлари бор эди. Чоржўйдан махсус авиаотряд (самолётлар дастаси) олиб келинди. Юқоридаги китобда қайд этилишича, Степанов, Столяров, Фоусек, Ильин, Зеленский каби учувчилар бомбардимон қилишга тайёрлаб

кўйилди. Бу орада Бухорога самолётларнинг биринчи учиши ўз ишини килиб бўлган эди. Иккинчи учишда эса хар бири 64 килограмм келадиган бомбалар бир неча юз метр баландликдан тўппа-тўгри «амирнинг беадад бойликлар тўпланган кордек оппок саройига» ёгила бошлади (299-бет). Фоусек деган учувчи бошқарган «Форман» туридаги енгил бомбардимончи самолёт ўз юкларини шахарга «муваффакият» билан ташлаб, хаммадан кейин кайтиб кетди. Учинчи кун эрталаб бомба ортиб олган самолётлар тагин Бухоро томон ёпирилишди.

Бухоронинг бомбардимон килиниши иштирокчиси ва шохиди, синовчи-учувчи Фоусек шундай хотирлайди: «Биз Бухорони бомбардимон килдик. Кадимий амирликни вайрон этиб ташладик. Хусусан, машхур «Ажал минораси»га тушган бомба, гарчи мохиятан бу миноранинг мўлжалга олиниси биз учун мутлако фойдасиз бўлса-да, бизга алохида завк-шавк багишлади» (303-бет). Шундай килиб, учувчи, бомбардимон иштирокчиси ташланган бомбалар ҳеч қандай харбий хавф-хатар тугдирмайдиган бино ва обидаларни бемаъни равишда вайронага айлантирганини очик-ошқора тан олади. У тагин бундай деб ёзади: «Бомба олиб учиб борар эканман, пастда бир мачитни кўриб қолдим. Мен худди мезанани кўпориб ташладим, деб мактанди бир кузатувчи учувчи, биз мириқиб қулдик. Шу-шу кузатув-чи учувчининг лакаби «мезана» бўлиб қолди» (303-бет).

«Замбараклар дарвозаларни ва яқин-атрофдаги аҳоли яшайдиган мавзеиларни вайрон қилаётган» (304-бет) бир пайтда авиация аҳоли ва амир армиясига дахшат солибгина қолмасдан, ваҳимадан эси оғиб қолган аҳоли тўпланган тоқлар, гумбазлар ва мачитларга бомбалар ёғдирди. Зеро, аҳоли бу пўлат қанотли қушларни умрида кўрмаган эди. 20-йилларда Бухоро аҳли учун самолётларнинг пайдо бўлиши дўзахдан, қиёмат-қойимдан бўлак нарсаси эмас эди.

Замбараклар тўгри мўлжалга олиши учун махсус аэростатлар учирилди. Авиация қўмондони «бензин ва бомба тугагунга қадар» (304-бет) шахарни бомбардимон қилиш ҳақида буйруқ берди. Тошкентдаги Туркистон харбий округи музейининг кўрғазмаларида таъқидланишича, Николай Алексеевич Ласкин деган учувчи ҳужум пайтида Бухорога 26 пуд бомба ташлаган.

Бомбардимон учинчи кунда ҳам давом этди. «Амирнинг шахар чеккасидаги қароргоҳи — Ситораи Моҳи Хоссани бомбардимон қилдик. Амирнинг ҳиди қелган ҳамма жой ва ҳамма нарсани вайрон этдик». Дарвоқе, Ситораи Моҳи Хоссада амир ҳарамидидаги аёллар ва хизматқорлар яшар эди.

Амирга қарши урушнинг бошқа бир иштирокчиси ва шохиди бўлмиш В. Клеменьев «Совет Туркистони учун» деган китобида (Тошкент, 1963, 458-459-бетлар) Бухоро амирлиги қўшинининг фавқулодда саросима ва ваҳимага тушиб қолганини ёзади. Амирнинг қароргоҳи — Бухоро Арки минг йил бўлмаганда ҳам, бир неча юз йиллик тарихнинг гувоҳидир. Аркнинг оппок тош ва мәрмар миноралари, асосий саройи юзлаб қақирим наридан кўриниб туради. Бомбардимонда Аркнинг асосий мезана ва миноралари вайрон қилиб ташланди.

Бухоро 30 та минорадан иборат қадимий қалъа девори билан ўралган эди. Ана шу миноралар ва девор қарийб бутунлай яқсон қилинди. Артиллерия ва авиация тўгри нишонга олиш йўли билан бу қалъани бузиб ташлади. Деворда ўн битта қадимий дарвоза бўлиб, уларнинг баъзилари темирдан ясалган эди.

Юқорида номи тилга олинган китобда Бухоронинг ана шу ўн битта дарвозасидан бири қандай портлатилгани тасвирланади. «1 сентябрь қуни соат 3 ларга яқин Қарши дарвозасининг чапроғида девор ости чуқур қовланиб, 52 пуд портловчи модда қўмилгани

ва портлаш учун тайёрлаб кўйилганлиги хақида инженер маълумот берди» (462-бет). Бухородаги бу уруш нихоятда шафкатсиз бўлди. Хар бир гузар, хар бир ховли учун жанг кетди. Канча киши халок бўлгани тарих учун сирдир. Бундай маълумотларнинг ўзи йўқ. Бирок бир неча кун муттасил артиллерия хужуми ва хаводан ялпи бомбардимон килиниши натижасида Бухородаги кўпгина иншоотлар қарийб бутунлай вайрон бўлди. Бугунгача омон турган ёдгорликлар эса гумбаз ва тоқлар панасида «жон саклашган» эди. Бирок ана шу омон қолган обидаларнинг ўзи ҳам ватанимиз ва жаҳон маданиятининг фахри ҳисобланади.

Бухоро амири 1920 йилда қочишга муваффақ бўлди. Унинг кетидан қувлаб, хужум қилиб борган авиация уни чегарада тўхтатиб қўйишига оз қолди. Ташиб кетилаётган баъзи олтинлар ва амир хонадонига мерос дур жавоҳирларнинг бир қисми, хар қалай, қўлга киритилди ва Москвага жўнатилди.

Дунёнинг турли бурчакларидан келадиган минглаб туристлар унинг обидаларини хайрат билан томоша қилишади. Яқинда Бухоро шахрининг «интурист»ида ишлайдиган гид зилзила натижасида оппоқ тошлардан қурилган арқ қулаб тушганини жуда жонли қилиб тушунтириб берди. Лекин унинг бу изоҳлари алланечук ишончсиз чиқди. Бунинг устига, кўпгина сайёҳлар, нега энди Арқдан қўра омонатроқ бўлган иморатлар зилзиладан омон қолди-ю, бу обидага зарар етди, деб сўрашди. «Ахир, Бухоро Арқ бомбардимон пайтида вайрон бўлганини уларга қандай қилиб ҳам айта оламан», деб кейинроқ менга шикоят қилиб қолди гид.

Бугунги ошқоралик ва покланиш даврида 1920 йилда Бухорода содир бўлган воқеаларга қайтмаслигимиз мумкин эмас.

Муаррихларимиз ўша йилларнинг қахрамонликка ва фожиаларга бой воқеаларини тўлиқ ёритишлари лозим. Бугунги ошқоралик даврида Бухорода рўй берган воқеалар тарихимиз саҳифаларидан ўзининг хақиқий ифодасини топади, деган умиддамиз.

...Бухорони бомбардимон қилиш шартмиди? Амирни бошқача йўл билан енгил мумкин эмасмиди? Жаҳон маданияти ёдгорликлари — инсониятнинг дахлсиз бойлиги-ку ахир. Бухоройи шариф ҳам бундан мустасно эмас эди-ку. Бухоронинг бомбардимон қилиниши — граждандар уруши давридаги энг улкан фожиалардан биридир. Уни бизнинг хотирамиздан ўчириб ташлаб бўлмайди.

Тохир ТОИРОВ, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор
1989 йил

